



или ўқитувчилари тайёрла

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА



ТОШКЕНТ районидagi Карл Маркс номидаги қорвадорлари қишлоғи уюшқоник билан ўтказишмоқда. Ҳужалида мавжуд озуқа турларидан самарали фойдаланиб, ситирлар маҳсулдорлиги ошириб боришмоқда. Суратларда: (чапдан) қолхоз бош зоотехниги Зиёвуддин Эргашев ва илғор молбоқар Асад Миржалилов; озуқа ҳақида қайта ишланган ем-хашак ана шу тележарларда молларга тарқатилади; мусобақа пешқадами Нодира Алимова. У қарамонидagi ситирлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олмақда.

А. Зуфаров фотолари.

ЭГИЗ ҚЎЗИЛАР КЎПАЙМОҚДА

ОҲАНГАРОН районидagi «Ангрен» совхозининг чўпонлари Турсунбой Қурдошев, Мўмин Умаров, Ҳолмат Йўлдошев ва Мўмин Холтўраевлар анчадан бери Тарновсой яйловларида қўй боқибди. Улар ҳар йили ўз отарларидagi совдиқларни меҳр билан парварিশлаб қишлоқ-йилов кўнлардан беталарди олиб чиқишади. Бунга улар аввалдан тайёргарлик кўришади. Биринчи гада мўл ем-хашак базаси яратибди. Шунингдек, донадор озуқа, арпа ва бошқа зарур концентратларни вақтида гамлаб қўядилар.

Чўпонлар, мана, икки йилдирки, совдиқларни январь ойининг бошларида қўйилатишга эришмоқдалар.

Ўтган йили бу тажрибамиз жуда қўй келди, — дейди бош чўпон Мўмин Умаров. — Қўзилар совуққа чидамли бўлиб ўсди. Ургочилари алоҳида парварिश қилинган ва йил охирига бориб улардан ҳам насл олинди.

Бу йил ҳам Тарновсой яйловларида қўйилатиш эрта бошланди. Масалан, Турсунбой Қурдошев отарида тўпланган 156 бош қўйнинг биронтасидан ҳам талафот кўрилмади. Аксинча 33 бош қўй эгиз қўзиларди. Янги туғилган қўзилар иссиқхоналарда парварিশланмоқда. Улар зооветеринария қондалари асосида махсус концентрат озукалар билан боғилмоқда.

Мўмин Умаров отарида ҳам 40 дан ортиқ совдиқ эгиз қўзилари. Шунингдек, Ҳолмат Йўлдошев, Мўмин Холтўраев бошлиқ отарларда ҳам қўй олиш авжиди.

Умуман Тарновсой яйловларида шу кунгача 450 бошдан ортиқ қўй қўзилари.

Чўпонларимизнинг тadbиркорлиги ишмииз муваффақиятини таъминламоқда.

— дейди совхоз директори Я. Исмаилов. Бу йил ҳам қўйилатиш мавсумининг бошталоват ўтказиш ва кўрсаткичларни ўтган йилдан ҳам яхшилаш учун ҳаракат қилинади.

М. ҚАЮМОВ.

• Коллектив ва шахс

Чехрасидан анчагина заҳмат чекагани сезилиб турган бу аёл билан редакцияда бафасил суҳбатландик. У ўзининг ўн беш йилдан бери қутубхоначи бўлиб ишлаётгани, кейинги йилларда тез-тез турли касалликларга чалинаётгани, икки марта операцияни бошидан кечиргани ҳақида, яқинда отасини сўнгги йўлга қўзатгани ҳақида сўзлаб кўзига ёш олдди. Кейин йили тўққизинчи тўхтага олмади, «Менга иш жойимда кун беришмайпти, коллективимизда муҳит соғлом эмас» деди...

Область болалар қутубхонасининг методика бўлими мудири Л. А. Тюменцева билан азият чеккан ходим Гулсара Омонованинг хизмат даргоҳига, яъни Нариманов шаҳар болалар қутубхонасига йўл олдик. У баланд бинонинг биринчи қаватидаги каталакдеккина учта хонага жойлашган экан. Бу ерда аёллар ишлаётгани дафъатан сезилибди. Ҳаммаёқ бесаранжом, чанг босиб ётган китоблар, эскириб кетган деворлар ва фототазедалар шундоқ ҳам тор хоналардан фойз қочирган. Қутубхонанинг «Ўқиш зали» учун ажратилган жой жавонлар билан ўралгани учун жуда дим, ташқаридан деярли ёрутқик тушмаганлиги сабабли лампа ишлаб ёқиб қўйилган ҳужрани эслатади.

Худди ана шундай шароитда катта қутубхоначи Гулсара Омонова, қутубхоначи, кейинчалик мудири бўлган Мавлуда Тошхоновалар уч-тўрт йил инок ишлашди. Қутубхонада Гулсаранинг таъбибуси билан учма-мунча тадбирлар ҳам ўтди турди. У мактабларга бориб, ёш китобхонларни қутубхонага торта бошлади. Бу орада ўзини Гулсаранинг шогирди деб билган Мавлуда сиртдан Тошкент маданият институтини ҳам битириб олди.

У қутубхонага мудири бўлиб, Гулсара ўзгарди-қолди. «Кечагина ўзини иш ўрганиб, масалхатидан чиқмай юрган қиз, бутун унга буйруқ берадимми?» Йўқ. Гулсара бунга йўл қўймайди. Мудиранинг талаблари унга оғир ботди. Бир вақтлари ташаббускор бўлган катта қутубхоначи эндиликда ишга лоқайдлик билан қарай бошлади. Бу орада Мавлуда ҳам ўзини бошқача тутадиган бўлиб қолди. У бир кун Гулсарадан китобхонлар сонини ошириб ёзини талаб қилди. Юқоридан кўрсатма бўлган деб тушутирди.

— Бир вақтлари кўнган бўлсам ҳам, энди бу ишни қилмайман, — деди катта қутубхоначи. Бунинг устига

ҳозирги давр қанақалигини ўзинг биласан. Янгича талабларга мослашиб дарҳол тўғри изга тушиб қолган қутубхоначи мудирига ёқмади. Ўнги ҳар икковиди ҳам бир-бирининг «пайини қирқиш», бир-бирига кўрсатиб қўйиш туйғуларини пайдо бўлди.

Қўшиб ёзиш ҳоллари бўй бераётгани учун қутубхонамизга таъналар бўлган эди, — дейди Гулсара, — мен бу йўлга қирмадим. Шундан кейин шаҳар маданият бўлимидаги қўзига ҳам ёмон кўриниб қолдим. Мавлуданинг чинишмаслиги ҳам шундан.

Дарҳақиқат, қутубхонада шундай фактлар содир бўлган эди. Бунинг 1985 йилнинг август ойида область болалар қутубхонаси раҳбарлари Л. Тюменцева, Н. Омоновалар М. Холтўраевлар ўтказган текширишлар натижалари ҳам яққол кўрсатиб турипти.

мен маъмурий жазо олганман. — дейди Мавлуда Тошхонова. — Ўнги булар тақрирланмади. Аммо Гулсарани Омонова билан чиқиша олмаётганимиз рост. Сабаби унинг тилига бардош бера олмаган. Йилига бир яримки ойлаб бюллетень қилади, ишга кечиниб келади. Лекин шаҳар маданият бўлими ҳеч қандай чора кўрмапти.

Прогуллари учун чора кўрмади, деб мажлисга чақирсан, Г. Омонова нуқул бюллетенга чиқиб олади, — дейди Гулсара. — Ҳар маданият бўлимининг янги мудири Абдуҳаким Йўлдошев — Ундан коллектив хурсанд эмас. Иш талаб қилсанг, ёзишга тушадик.

Йўқ, коллектив Гулсара Омонованинг ёзганлигидан эмас, иш билан сўзи бир бўлмаганлигидан хафа. Ахир у қўшиб ёзишлари қоралгани, ўзи учун адолат та-

мувофиқ ҳамда фондлар ва каталоглар ташкил этишга ёрдам бериш мақсадида биз Нариманов шаҳар болалар қутубхонасига бордик. Аммо соат 10.00 да ҳам қутубхона очилмади. 12.30 гача кутишга тўғри келди. Қутубхона ходимлари келишмагач, иш жойимизга қайтишга мажбур бўлдик.

Комплекташ бўлими мудири К. Юн, катта қутубхоначи З. Мамадалимова.

Ўтган йилнинг июнь ойидан берида ҳам қутубхона ёпиқ бўлгани, эртасига очилмагани, тўғрисида область болалар қутубхонаси раҳбарлари ўз директорларига маълум қилишган. Рапортлар, маълумотномалар, қорозда қолиб кетаверди. Ҳеч қим қутубхоначиларни бир жойга тўплаб, меҳнат интизомини бузаётганликларини учун тартибга қасриб қўйилди.

Интизомсизликга бўлган лоқайдлик оқибатида икки ходим ўтасида кескинлик авж олди. Бир-бирининг шахсиятига тегадиган айтишулар, жанжаллар кучайди. Натжида Гулсара билан Мавлуда гапашамай кўяқолишди. Қутубхоначилар ўтасида янги олинган ходим — Гулмира орқалигина алоқа қилиб турдлар. Кейинчалик гўрур отига минган қутубхоначилар хат орқали бир-бирлари билан гапашадиган одат чиқардилар. Бунда ҳам улар Гулмира хизматидан фойдаландилар.

Жанжал ҳамон давом этмоқда. Машиқашларининг ҳаммаси болаларнинг билим ва тарбияга, юксак ахлоқ ва одобга ўргатадиган жойнинг нақ ўзгисиди, баъзан болалар кўз ўнгиди содир бўлган.

Бу тафсилотларни ушбу аянчилик воқеа ҳақрамонларининг ўзларидан эшитар эканман, 15 йиллик иш стажига эга бўлган Гулсара Омоновани ҳам, қутубхона мудири Мавлуда Тошхоновани ҳам оқлашга заррача асос тоқмадим. Бундай одамлар ёш авлодга илм-маърифат тарқатадиган жойда ишлашга лойиқмикинлар, деган ҳаёлга бордин. Балки бунга область маданият бошқармасидagi мутасадди ўртоқлар аниқроқ жавоб беришар. Бизнингча ҳозирги қайта кўриш жаранида бундай беҳуда жанжалларни тезда бартараф этиш, коллективда муҳитни соғломлаштириш билан жиддий шугулланиш керак.

С. ҲАСАНОВ. «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БЕҲУДА ЖАНЖАЛ

«... Нариманов шаҳридаги болалар қутубхонаси текширилганда қўрсаткичларда чалқашликлар борлиги аниқланди. Абонемент бўйича китобхонларга 381 нуска китоб берилган, «Ўқиш залига» 84 бола келгани қайд қилинган ҳолда, кунликда китобхонларга 6227 нуска китоб берилди, 2607 бола ўқиш залида шугулланди», деб ёзиб қўйилган.

— Биз бу ҳақда область болалар қутубхонаси директори Б. Зубайдуллаевага, шаҳар маданият бўлимининг собиқ мудири Қ. Ботировга ўз вақтида маълум қилганмиз, — дейди Л. Тюменцева.

Хўш, шундан кейин қутубхоначилар қўшиб ёзишлардан воз кечишди? Улар умумий ишни ўйлаб осийишта яшай бошлашди-ми? Йўқ, кейинги йилларда ҳам бундай жиддий камчиликлардан ҳоли бўлишга олмади. Китобхонлар конференциялари ўтказиш, учрашувлар, кечалар, отзаклар журналлар уюштириш ҳам унутиб қўйилди.

— Қўшиб ёзишлар учун

лаб қилгани ҳолда, ўтган йилларда ана шундай интизомсизликларга йўл қўйилганини қандай баҳолаш мумкин? Биз қутубхона ишлари билан танишар эканмиз, М. Тошхонова томонидан шаҳар маданият бўлимининг мудири Йўлдошев «М. Тошхонова 1987 йил 9, 10, 11, 12 июнь кунларида сабабсиз ишга чиқмаганлиги тўғрисида бир қатор рапортлар ёзиб берганлигини кўрдик. Улар натижасиз қолган. Кейинги пайтларда Гулсара мудирига менсимай қўйганлиги тўғрисидаги маълумотномага ҳам шаҳар маданият бўлими мудири муносабат билдирмаган. Бу эса ходимларда ишга лоқайдлигини янада кучайтирди. Улар хоҳласалар ишга келиб, хоҳласалар қутубхонани ёпиб қўядиган одат чиқардилар. Мана бу ҳужжатга ҳам эътибор қилайлик.

Область болалар қутубхонаси директори Б. Н. Зубайдуллаевага

Область болалар қутубхонасининг 1987 йил 27 январдаги 7-сонли буйруғи асосида, комплекташ бўлимининг планига

Айни вақтда М. Шайхзода номида 44-ўрта мактабда ошхона жадал қўрилди. У ҳам санокли қўнлардан кейин фойдаланишга топширилади. Сафармат Ханаев бошчилик қилаётган бинокорлар коллективини шунга интилишмоқда.

А. МАҲКАМОВ.

МАКТАБ ВА БОҒЧА ҚҮРМОҚДАЛАР

ОҲАНГАРОН районидagi Қ. Ворошилов номидаги совхоз маркази ва қишлоқлари йилдан-йилга обод бўлиб бормоқда. Уларда янги-янги турар-жой, маданият

маиший муассасалар бинолари, ҳўжалик объектлари қад қўтаришти.

Айритом қишлоғининг жажжой савдо тadbирлари

моқда. Бу ерда янги боғча қад қўтарди. Ҳозир бунда охириги пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. Яқин кунлар ичида у ўнлаб ўғил-қизларни ўз бағрига олади.

«ШУ ҲАМ ҲАММОМ БЎЛДИМИ?»

Тошкент районидagi Охунбобоев номида қолхоз правленисининг кенгайтирилган мажлисида газетанинг ўтган йил 18 ноябрь сониди босилган юқоридagi сарлавҳали жақома муҳокама қилинган. Унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Камчиликларни тўғатиш учун икки «АОБВ-11» маркали иккинчи агрегат ўрнатилди. Қозонларни табиғий газ билан ишлашга қўчириш учун район газланишриш идораси билан келишилди, дейилди қолхоз раиси Т. Эгамбердиевнинг жавоб хатлида. Ҳаммоманинг ишламай қоллишига сабабчи бўлганлар оғоҳлантирилдилар.

«Б И З Д А ТАРТИБ ШУ»

«Самарқанд» автостанциясидаги касалларда йўловчиларга билет сотишда йўл қўйилаётган камчиликлар газетанинг ўтган йил 14 ноябрь сониди юқоридagi сарлавҳа остида таъкид қилинган эди.

Автовокзаллар ва пассажир автостанциялари области бирлашмас бошлигининг ўринбосари А. Қаримовдан олинган жақомада тўстаниши коллективни ўртасида таъкидлий хабар муҳокама қилинганлиги, касаллар олдига қўтиш залларида йўловчиларга қўйилган яратилган қоралар қўрилганлиги айтилади.

Халқаро ҳаёт

ЭНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА

● СТОКГОЛЬМ. Швеция телевиденисининг янгиликлар программаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Горбачевнинг Афғонистонга оид баёнотиини шу куннинг энг муҳим сиёсий воқеалари қаторида маълум қилди. Телевидение шарҳловчиси мазкур ҳужжатнинг асосий қондаларини баён этиб, унда совет қўшинларининг Афғонис-

тондан олиб чиқиб кета бошлаганиниги ва бу тadbирни амалга ошириш учун зарур бўлган бир қанча шартлар ўртага қўйилганини айтди. Афғонистон билан Покистон ўртасида Женевада ўтказилган музокараларда қатнашаётган БМТ Бош секретарининг шахсий вакили Диего Кордовес, деди шарҳловчи, музокараларнинг яқин кунлар-

да бошланган наватдаги давраси сўнгги давра бўлиши ҳам мумкин, деб умид билдираётганлигини айтди. Ваёнда таъкидлашчи, муаммони бартараф этиш тўғрисидаги битим 15 мартдан кечиктирилмай имзоланган тақдирда совет қўшинлари шу йил 15 майдан олиб чиқиб кетила бошлаши ва 10 ой мобайнида нийолсига етказилиши мумкин.

ШАРТНОМАНИ ТАВРИКЛАЙДИЛАР

● БЕРЛИН. Германия Демократик Республикаси ва Яқозир Халқ Демократик Республикаси ўртасида ва катроқ олсинлик ракеталарини тўғатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида шартнома имзоланганини таъриклийдилар, дейишди ГДР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Герберт Креликовски билан Яқозир Миллий халқ мажлисининг раиси Рабах Битат бу ерда.

Қурул-йроғларини, айниқса ядро қурулини қисқарттириш жараяни давом эттирилиши лозим. Бу халқаро ваъзатини узоқ даврга мўлақаллаб тўдан соғломлаштириш учун зарурдир. Ҳар иккала томон халқаро сиёсатининг барча энг муҳим масалаларида, шунингдек регион можораларини бартараф этишда яқин кунларда муаммоларининг мамуният билан таъкидлади.

БРАЗИЛИЯ—СССР САВДО—САНОАТ ПАЛАТАСИ ТУЗИЛДИ

БРАЗИЛИЯ, 8 февраль. (ТАСС). Бразилия савдо-саноат доираларининг ташаббусига кўра мамлакатда Бразилия — СССР савдо-саноат палатаси тузилди. Унга Бразилиядagi нуфузли корхона эгаси Фиаат концернининг Бразилия филиали бош бошқарувчиси Силвану Валентину бошчилик қилмоқда. Бразилиядagi энг йирик фирмаларнинг раҳбарлари, Сан-Паулу ва Рио-Де-Жанейро шаҳарлари ҳукуматларининг вакиллари палата вице-директорлари жумласига кирдилар.

Савдо-саноат палатасининг қароргоҳи Минас-Жерайс штатининг маъмурий маркази — Бету-Оризонти шаҳрида Бразилиянинг Сан-Паулудан кейин иккинчи ўринда турадиган саноат маркази саноат федерациясининг Бисосида жойлашди.

Совет—Бразилия савдосини ривожлантиришга, ахборотлар айланишга кўмаклашишни, савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг янги формаларини, аввало, қўшма корхоналар тузиш йўли билан қидиришни палата ўз олдида мақсад қилиб қўйди.

ХАТАРЛИ ҚАРОР

● БОНН. АҚШда янги химиявий қурул-бинар қурули шлоб чиқариш қарори бонгардикан бошқа нарса эмас, дейилди Ғарбий Германия тинчлик, қурулсизланиш ва ҳамкорлик учун кураш комитетининг Кельнда эълон қилинган баёнотида. Янги заҳарловчи газларнинг таёйрланиши, дейилди ҳужжатда, ана шу даҳшатли қурулнинг ту-

гатилишини назорат қилиш йўлида қўшимча қийинчиликларни вужудга келтиради. Бу йил химиявий қурулларни ялпи ва тўла-тўқис таъкидлаш тўғрисидаги халқаро конвенция имзоланиши мумкинлигини ҳисобга олганда, бинар бомбалар тайёрлаш тўғрисида президент Рейган рухсат берган қарор айниқса хатарлидир.

ФКП Марказий Комитети пленуми

ПАРИЖ, 9 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини бошлади. Унда шу йил баҳорда Францияда бўлади-

ган президент сайловида таъйирларли ҳақидаги масала кўриб чиқилмоқда. Пленумда ФКП - Сиёсий бюроси аъзоси Мадлен Венсан доклад қилди.



НАТОнинг Ослода жойлашган биноси олдида АҚШнинг агрессия ҳаракатларига қарши намойишда минглаб норвегияликлар қатнашди. Улар Америка маъму-

рияни ва унинг гумаштала-рининг қурулганини пойғасини бутунлай тўхтатишни, шунингдек космосни ҳарбийлаштириш сиёсатини бас қилишларини талаб қилиб чи-

қишди. СУРАТДА нарийн қатнашчилари билан полициячилар ўртасидаги тўқнашуларни кўриб туриб-сиз. НТБ—ТАСС фотоси.

ЧЕЛЕНТАНО АЙБЛАНМОҚДА

● РИМ. Машҳур италиян актёри ва қўлиқчиси Андриано Челентано беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши ҳақида қўшма қарар референдумлар масалаларига ҳеч қандай таълуқли бўлмаган шундай ёзувлар пайдо бўлди. Италия қонунларида кўра, умуммиллий овоз бериш арафаси кунда пропаганда фаолияти билан шугулланган таъқиқланган. Челентано мазкур қонунни бузган. Рим прокуратураси, мазкур воқеа унчалик аҳамиятли эмасдек кўринса-да, рефе-

рендумлар ўтказилган кунининг эртасигаёқ «Челентано» юзасидан тергов бошланди. РАИ давлат радио-телевизион компаниясининг дирекцияси Челентанога 200 миллион лира жарима солди. Шундан кейин ишнинг судга ошириши қарор қилганлиги тўғрисидаги хабар ҳамма учун қўтилмаган воқеа бўлди. Суд шу йил баҳорда бошлангани кўтилмоқда.

(ТАСС, 9 февраль).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БЕНЗИН БАҲОНА»

Иситмам кўтарилиб тобиқ қочиб қолди. Уйдагилар «Тез ёрдам»га телефон қилишса ундан дарак бўлмади. Шу мазмундаги хабар газетанинг ўтган йил 8 декабрь сониди босилиб чиққан эди. Пискент район марказий касалхонасининг бош врач

М. Худойбердиевадан олинган жақомада хабар «Тез ёрдам» станицисини ҳодимлари ўртасида муҳокама қилинганлиги айтилди. Ҳақиқатан ҳам автобазада ойнаинг охири кунлари ёнлиги етишмай қоллиш ҳоллари тез-тез учраб туради. «Тез ёрдам» машиналарининг айримларида бензин бўлмаганлиги учун баъзи беморларга кечикиб хизмат кўрсатилади. Бундай ҳол меҳнаткашларнинг ҳақ-

ли эътирозига сабаб бўлмоқда. Газетанинг таъкидлий хабари марказий касалхона коллективини ўртасида ҳам муҳокама қилиниб, мавжуд нуқсонларни тўғатиш тadbирлари қўрилди. Шунингдек қишлоқда аҳолига медицина ёрдами кўрсатишда ўз вазиасини бажаришда камчиликка йўл қўйгани учун «ЎзССР 50 йиллиги» амбулаториясининг бош врачини М. Жўраева оғоҳлантирилди. Өз вақтида беморга ёрдам кўришга бормоганлиги учун шу амбулаториянинг фельдшерини Х. Ҳамдамов, ҳамшира Х. Хамидова «Тез ёрдам»нинг навбатчи диспетчерини М. Муминоваларга хайфсан эълон қилинди.



ДОРИЛФУНУНДА НАВОИЙХОНЛИК

мизнинг кўзга кўринган навоийшуно олимлари мутафаккир шоир ижодини ўрганиш борасида қўлга киритилган ютуқлар ва бу борадаги янгиларни таллабларга сўзлаб берадилар.

Бу йилги илмий конференция учта, яъни ўзбек тилишунослиги, ўзбек тили ва адабиётининг ўқитиш методикаси ҳамда ўзбек адабиёти секциялари бўйича олиб борилиб, уларда бир қатор кизиқарли доклады тилинди. Жумладан, тилишуно олимлардан А. Алиев, К. Назаров, Ғ. Мирзакаримов, М. Қодиров, А. Нурдодов ва Т. Мусаев маърузаларида асосан Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Мушнат», «Маҳбуб-ул қул», «Муҳоммад-ул лугатин» асарларининг тил хусусиятлари ва нутқ маданиятига доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Психолог олим М. Мамадов «Навоийнинг «Дайли ва Мажнун» достонига ҳиссий-эмоционал кечималар тасвири» маърузида доклад қилди. Фольклоршунос О. Мадаев эса ўзининг «Навоий асарларини ўрта мактабда ўрганиш» маърузидаги маърузасида бир қатор қимматли фикрларни ўртага ташлади.

Ўзбек адабиёти секциясида олимлардан А. Хожнаҳмедовнинг «П. Скворцовнинг «Фарҳод» романида Навоий анъаналари», Б. Қосимовнинг «Навоий ижоди — ўзбек классик адабиётининг чўққиси», Х. Муҳаммадхўевнинг «Махмурнинг Навоий газалига баған бир муҳаммаси ҳақида», Н. Аҳмедовнинг «Тожиқ драматургиясида Навоий образи»

сингари маърузаларида буюқ шоир ижодининг ўзига хос қишқарлиги таҳлил этилди. Шунингдек, конференцияда студентлардан М. Ҳамроева, У. Бекмуҳамедова, Н. Қўшқова, Т. Маматовлар ҳам ўз докладлари билан фаол иштирок этидилар.

Навоийшуно олимлардан А. Қайюмов Қўлемалар институтинда Навоий ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилган ишларни таълиқ қилди. А. Қайюмов эса Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига таъйинланган «Навоий қомуси» ва шоир таълиқнинг 550 йиллигига бағишланган нашр қилинган 20 жиллик нумарамал асарлари ҳақида гапирдилар.

Конференция якунида мушоира ўқилди ва мақомчилар ансамбли ижросида Навоий газалари билан айтаётган қўшиқлар тингланди.

Т. СОБИТОВА,
Ўқитувчи.

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

ЧИНАКАМ шеърият ўзининг жўшқин ва соқиллиги, жанговар ва мўъжизавий таъсир қудратига эга бўлиши билан инсон қалбини мафтун этади. Бугунги кунда ўз оламини яратиб бериб турган шеъриятдаги ижодий изланишлар, айниқса, ўзига хослик қўпчилиги эътиборини тортмоқда.

Бунга Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйда ҳар ойда бир марта ўтказилаётган шеър кечалари билан учрашулар ҳам гувоҳлик беради. Негаки, мазкур учрашулар бошловчи қаламкашлар учун ўзига хос мактаб ва масъулиятли синнов бўлиши билан бир қаторда адабиёт мухлислари учун яхши шеър ёки истез-

додли шоирни кашф этиш, демандир.

Яқинда ёш қаламкашларнинг навбатдаги шеърият кечаси ўтказилди. Кечани олиб бораган ёшлар билан ишлаш кенгашининг масъул котиби, шоир Азим Сулеймон бу ерда 17 кишидан иборат редакцион коллегия ташкилланган, у ёшлар ижодини атрофлича кузатиб бориши ва уларни тарғиб қилишнинг қайд этди. Шундан сўнг ёш шоирлардан Азиз Саид, Карим Бахриев, Раҳман Файз, Музаффар Аҳмедов, Чори Аваз, Амиркул Каримов, Гулчехра Муродалиева ва бошқалар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Х. АКБАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИНИНГ
КИНОТЕАТРАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ФЕВРАЛЬ ОИИДА

ҚУИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ
ЧИҚАРАДИ

«КРЕЙЦЕР СОНАТАСИ»



Фильм Л. Н. Толстойнинг шу номдаги повести асосида суратга олинган.

РОЛЛАРДА: ОЛЕГ ЯНКОВСКИЙ, АЛЕКСАНДР ТРОФИМОВ, ИРИНА СЕЛЕЗНЕВА, ДМИТРИЙ ПОКРОВСКИЙ, АЛЛА ДЕМИДОВА, ЛИДИЯ ФЕДОСЕЕВА-ШУКШИНА, ОЛЬГА ТОКАРЕВА, АЛЕКСАНДР КАЛЫГИН, МИХАИЛ ГЛУЗСКИЙ ВА БОШҚАЛАР.

СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФИ — МИХАИЛ ШВЕЙЦЕР.

РЕЖИССЕРЛАР — МИХАИЛ ШВЕЙЦЕР, СОФЬА МИЛЬНИНА.

Картина боқ қаҳрамоннинг таваб-тазарруи асосига қурилган, собиқ бадавлат ва серсавлат «яхши жамоа»дан бўлган жаноб, адиликда эса ёлғиз бахтсиз киши — ўз хотинини ўлдиргани учун берилган жазо муддатини ўтаб қайтаётган Василий Позднышев поездда кета туриб тасодифан учраган йўловчиқа ўз ўйлашнинг фожий тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Қаҳрамон ўз қилмишига таваб қилгани? Унинг гуноҳи қай даражада? Ниҳоят, чин севги борми ўзи? Ана шундай савол билан у одамларга мурожаат этади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«ФЛЕЙТА УЧУН УНУТИЛГАН КУЙ»

СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФИЛАР — ЭМИЛЬ БРАГИНСКИЙ, ЭЛЬДАР РЯЗАНОВ.

РЕЖИССЕР — ЭЛЬДАР РЯЗАНОВ.



Ҳар сафаргидек Рязанов фильмига аjoyиб ижрочилар ансамблини тўлаган. Леонид Филатов амалдор, айни пайтда ўз тасаввурда имкониятларини ҳаммадан кўпроқ бой берган ҳайлаётар ошқир родини қиймати келтириб ўйлаган. Фильмдаги иккинчи қаҳрамон родини ижро этган Татьяна Догилева чинакам саводхон, шунинг учун ҳам енгилмас муҳаббатни тўла мужасамланган олган. Александр Ширвиндт ва Валентин Гафт Леонид Семёновичнинг хизматдош ҳаммаслари родини ижро эттирган. Фильм Эльдари Рязанов ҳақида бизда одатдагича ва айни вақтда янгича бир тасаввур қолдиради. Унинг олдинги фильмларидан бизга таниш бўлган заҳарханда, беаё сатир, экскентрика ва парадокслар, жозибдор лирик кечималар билан бирга бу фильмига фантастик мотивлар ҳам олиб кирилган.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

КОРХОНАЛАР ВА
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
РАҲВАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИ

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига қарашли тошкент обласьт ўқув комбинати ётоқхонасининг тугатилиши муносабати билан

24 мартдан 31 мартгача — ўқувчиларни баҳорги каникул кунлари томошаси соат 10.30, 13.00, 19.30 да бошланишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

олдин фойдаланишда бўлган ЮМШОҚ ВА ҚАТИҚ ИНВЕНТАРЛАР

пул ўтказиш йўли олинган

Сотилади

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссе, 42-уй.

Тошкент давлат маданият институтини ректорати, партия ва касба соҳа ташкилотлари, библиография кафедрасининг катта ўқитувчиси М. А. Жалоловага турмуш ўртоғи

Раҳим ИЛХОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Социал масалалар бўлимида •

САРСОН ҚИЛГАН БУЙРУҚЛАР

ҚЎЙНИН ПУЧ ёнғоққа тўлдириб нима дегани? Ўнда ва содда қилиб айтсан — алдамчилик! Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Баъзан бил-биз, баъзан билмай алдан-иб қолсан киши.

Редакцияга келган ҳаётдан қўчирма: «Мен Ўтабоев Ўрташ 1987 йилнинг июль ойида обласьт «Стройрембитмел» ҳўжалик ҳисобидида ремонт-қурилиш бошқармасининг Коммунистик районидаги (ҳозир Нарманов шаҳри) участкасига икки ойча — вақтинчалик ишга қабул қилинган. Менга бу муддат мобайнида аралаш-таълимни ишга тушириб бериш вафасига юқлатилди. Асосий иш жойида меҳнат отпускисидан бўлганим учун бу станокни икки ойча эмас бир ойда ишга туширдим. Сўнг бош-лиқ ва инженер олдиди ёғочни тилиб кўрсатдим. Маош берадиган кунни борама менга ҳақ ёзишмади. Участка бошлиғи Аскар Ботирбеков билан бўшайди. Янги бош-лиқ эса ведомостда фамилияни йўқ экин, деди. Кейин «Мен сени танимайман», деб қўшиб қўйдим. Яна тушунтиришларим беҳуда кетди».

Хат автори билан А. Ботирбеков ўртасида қандай гап бўлганини бизга қоронғу. Собиқ участка бош-лиғи хат авториға нималар ваъда берганини факат иккаласи билишади. Учас-тада эса бу ҳақда иккита буй-руқ қолган, холос. Мана би-ринчиси, уни айнан келти-ришимиз:

«1987 йил 1 июндаги 87-буйруқ: Ўтабоев Ўрташ 1 июнь 1987 йилдан икки ой муҳлат билан аралашон бўлиб иш-га қабул қилинсин.

Асос: Ўтабоев Э.нинг арзаси. ИМЗО».

Ушбу буйруқ асосида Ўрташ Ўтабоев «Стройрембитмел»да ўз фаолиятини бошлади.

Энди савол туғилди: бутун бошли участкада битта-гина станокни ремонт қиладиган уста топиламайдими? Ёки Э. Ўтабоев шун-дай зўр уста эканими?

Бу саволга ушбуни ҳозирги ва собиқ раҳбарларидан ҳам, мастер, ишчи-лардан ҳам аниқ жавоб ололмадик. Бу ўринда хат ав-тори билан бўлган суҳбатни э. иборингизга ҳавола қи-ламиз.

Ботирбеков кетимдан анча юрди. Ишончамга кўп келди, уйга борди, ҳатто касалхонада даволанаётганим-да ҳам мени кўргани бориб, «Дўстим, илтимос, шу ар-ранни ўзинг бир бало қилиб бермасанг бўлмайди», деди Охири рози бўлдим.

Э. Ўтабоев Янгйбозор-даги 94-ремонт-қурилиш бошқармасида ишлайди. Ботирбеков ҳам худди шу таш-килотда 20 йил меҳнат қил-ган, 13 йил Ўтабоев бил-ан бирга ишлаган. Кейин

Ботирбеков «Стройрембитмел»га ишга ўтган. Ботирбеков ўзи раҳбар ташки-лотта Паркентдан ишга яроқсиз, ҳисобдан чиқари-лан арра олиб келган ва Ўта-боев билан ўзаро «шарт-нома» тузган. Арра созла-ниши арафасида эса Ботир-беков яна бошқа ишга ўт-ган.

«Мен, Мирхалилов Собит «Стройрембитмел»да мас-тер бўлиб ишлайман. 1987 йил июль ойида участкада аррани ўрнатилган қатнаш-ганман. Ишчилар билан ар-раннинг пойдеворини мус-таҳкамлаб, аррани жойлаш-тирдим. Сўнг мен меҳнат отпускисига чиқиб кетдим. Аррани ишлатиш учун пол-сифат тўсун ва 4 дона рельс қўйиб керак эди. Отпус-кадан қайтганимда бу ишлар бажарилган экан».

Турсумамбетовнинг ре-дакцияга тушунтириш хат-дан:

«Аррани ўрнатилганда асосий пайванд ишларини мен бажардим. Пойдевор-даги ишлар биттач, ар-раннинг поли билан рельс қў-йиш ишларини Ўтабоев Ўрташ кўрсатиб берди. Кей-ин қолган пайвандлаш ва

электр монтаж ишларини бир ўзим давом эттирдим». Демак, аррани ишга туши-ришга Ўрташ Ўтабоев «жон» кўйдириб ишлама-ган, қарашли турган, холос. Кейин бунинг ўзи ҳам тан ол-ди.

— Қўллашиб қилдик. Ме-нинг меҳнат отпускам ту-габ қолгани учун аррани ўрнатилган тушлик пайтида бу ерга келардим. Баъзан кечқурун ишларим. Шанба-кечшанба кунлари ишлаган вақтим ҳам бўлди.

Энди участка бўйича чи-қарилган иккинчи бир буй-руқнинг кўриб чиқамиз.

«1987 йил 23 июндаги 95-буйруқ:

Ўтабоев Ўрташ — арра-ловчи янги ўрнатилган ар-ранни муддатидан илгари ишга туширгани учун кор-хона фондидан 150 сўм пул билан мукофотлансин».

Асос: касба соҳа коми-тетининг 1987 йил 23 июн-даги протоколи. ИМЗО».

Буйруқларни таҳлил қи-ламиз.

— Бизда умуман арра-ловчи деган шарт йўқ, — дейди катта бухгалтер Ях-шилик Умарбеков.

Демак, биринчи буйруқ-нинг биринчи жумласиёқ нотўғри. Ундан кейин иш-га қабул қилинаётган киши учун буйруқ берилганда унга туланидиган ойлик иш ҳақи кўрсатилиши керак. Агар қурилиш ташкилотла-рига ўхшаш меҳнат ҳақи ишбай тулани, у ҳолат ҳам буйруқда акс эттиши шарт!

Иккинчи буйруқ ҳақида. Мукофот пули қилмалар бе-рилади? Ишлаб чиқаришда

ўзини кўрсатган, жамоат ишларида актив ишчилар-га берилади. Ў. Ўтабоев-нинг қайси хизматлари учун мукофотга буйруқ бе-рилган. Иккита буйруқ ора-сидаги вақтга эътибор бе-ринг: 23 кун! Йигирма уч кун ишлаган янги одамга мукофот бериш ҳеч қандай мантқиққа тўғри келмайди.

Редакцияга хатдан: «Кей-ин район ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарига, рай-он ижроия комитетидан юри-ст-консултантга муро-жаат қилдим. Район «Су-ръят» газетасига шикоят э-дим. Улардан ҳеч қандай натижа чиқмади: бугун ке-линг, эрта келинг, деб олти ойда бери овоза қилиш-лиги. Участка бухгалтер-хўжалик жойиниға бора-вер, арз қилавер, барбир пу-линги бермайман, депти. Охири сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим».

— Ҳақиқатан Ўтабоев буйруқнинг нусхасини кў-тариб ҳузуримга келди. — дейди район аҳолига ма-шһў хизмат қўрастиш иш-лаб чиқариш бошқармаси бошқарувчиси Бахтиёр Ка-римов. Бунинг ноҳақлик, деб билиб жади билан

Бир хат издан

«Стройрембитмел»га те-лефон қилдим. Уларнинг озаки гапига ишонмай, ҳўжжатларни текширдим: ҳақ туланимагани тўғри бў-либ чиқди. Кейин Ўтабоев-га у ноҳақ эканини, унга «маош» бермай тўғри иш қилиганини тушунтирдим.

Манзура Миркомиллова ярим йилдан бери райжиро-комда юрист-консултант бўлиб ишлайди.

— Ўтабоев икки марта олдимиға келди, — дейди у. — Ижроком раисининг ўринбосари Айдеров билан маслаҳатлашиб, агар ҳақ бўлса унга ёрдам бермоқчи бўлдик. Участка билан те-лефонда боғлана олмаган, уни «Сурыат» редакциясига жўнатдим.

— Редакцияда бу иш би-лан шуғулланиш менга топ-ширилган эди, — дейди «Сурыат» газетасининг мух-бири Олим Остонов. — Хат-ни ўрганган. Ўтабоевга иш ҳақи бермай қонуний иш тутилганини унга батафсил тушунтирдим.

— Бир кун телефон узоқ жиринглади, — дейди участка бошлиғи Отабек Турдалиев. — Мен район прокуратурасиданман, Ўта-боевнинг ишини тўғрилаб беринглам, — деди турба-нининг у томонда турган одам. Унга ҳам ваэинати тушунтирдим: пул туланиш ҳақини йўқлигини айтдим.

— Менга ҳам Ботирбеков бир неча марта айтди: Ўта-боевга наряд ёпиб пулини бер, деб, — дейди катта инженер Карима Хонамқу-лова.

Ботирбеков эса бу кўн-ғирқларни, бу илтимослар-

бақасида чет эллик меҳмон-лар — Польша ва Руминия чангичлари ҳам қатнашиш-моқда.

ОЛИТИКНИ КЎЗЛАБ

МАМЛАКАТ чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари навбатдаги ўйинчи тур ўйи-ларини Львов шаҳрида ўтқа-зишди. Тошкентнинг «Тен-сильшк» гандболчи қизлари майдон эгалари 22:26, Ле-нинсканин «Политехник» ко-мандасига 34:35 ҳисобида ютқазиб, Қаунасининг «Жаль-гирис» коллективини 23:21, Ростованин «Микро» клуби-ни 29:28 ҳисобида мағлубла-тига учратдилар ва Ленинград-нинг «Планета» спортчилари

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ре-дакцияси ҳузуридаги ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғуло-ти бугун соат 18.00 да бўлади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.



СОЗАНДАЛАР КОНКУРСИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консер-ваториясининг катта залида ўзбек халқ чоғу асбобла-ри ва байн ижрочилиги бўйича ёш созандаларнинг V кон-курс ўтказилмоқда. Унда 57 нафар ижрочи қатнаша-пти. Уч турдан иборат бу конкурсининг якуновчи турин «Баҳор» концерт залида ўтказилди. 18 кишилик жу-ри ҳайъатига СССР халқ артисти Ш. Қожғалиев раҳ-барлик қилмоқда. Суратда: конкурс пайти.

М. Назаров фотоси.

ШАХМАТ МУХЛИСЛАРИ УЧУН

«Ўқитувчи» наш-риёти таниқли шах-мат амалиётчиси Я. Б. Эстрин тахрири остидаги «Шахмат назарияси ва амалиё-ти» китобини босма-дан чиқарди.

Мазкур китобда совет шахмат мактабининг кўп йиллик тажрибаси умум-лаштирилган, турли мусоба-қаларга таъйинланган метод-ларнинг системаси баён қилинган, шунингдек, шах-мат стратегияси ва тактика-си масалаларига ўрин бе-рилган. Яна ҳам чемпионла-ри, совет гроссмейстерлари М. Топалов, В. Смирнов, М. Таль, Т. Петросян, А. Карпов ва бошқаларнинг ил-мий-педагогик тавсиялари ҳам чоп этилган.

Китобни таниқли шахмат фойдаси Мамонид Мухид-динов ўзбек тилига таржи-ма қилди. Таржимоннинг ташаббуси билан тўпламга Карпов — Каспаров матча-ларига доир муҳим қўшимча-лар киритилган.

Олий ўқув юрталарининг студентлари ва ўқитувчилари учун мўъалланган бу китобдан бошқа малакали шахматчилар, шахмат назария-си ва амалиёти билан қизиқувчи кўп сонли китоб-хонлар фойдаланишлари, 200 дан ортиқ диаграмма-лардаги қизиқарли комби-нациялар таҳлили билан танишишлари мумкин.

Р. САИДОВ.

БИРИНЧИ ҚАВАТИ— МАГАЗИН

ПОЯТАХТИМ ИЗИНИГ Чорсу массиви кун сайин чирой очиб бормоқда. Бу ерда янги-янги турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, савдо шаҳобчалари барпо этилмоқда. Яқинда «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли, 49-қури-лиш бошқармасининг бунёд-корлари яна бир кўп қават-ли турар-жой биносини фой-даланишга тоширдилар. Унинг биринчи қавати «Ташхотторг»нинг 35-ме-бель магазинида берилади. 460 квадрат метр саҳнага эга бўлган мазкур савдо за-лининг пардозлаш ишлари В. Глухов бошчилиги-даги бригада аъзолари олиб боришди.

М. ИЛЕСОВ.

ҲАВАСКОРЛАР ИЖРОСИДА

Металлургалр маданият ва техника саройи қошидаги «Фазтон» халқ драма теат-рининг спектакллари олма-диқликларга яхши таниш. Ҳаваскор артистлар ижро-сида Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда», Ан-дрей Макаенконинг «Трибу-нал», Юна Друэнинг «Ка-се Маре» спектакллари чи-дан ҳам катта маҳорат би-лан саҳналаштирилган.

Шу кунларда халқ театри ўзининг 18-мавсумини давом эттирмоқда. Кўп ўтмай ҳа-васкор ижрочилар томоша-бинлар ҳўжмага Леонид Гер-чиков ва Николай Мирош-ниченколарнинг «Шайтон парилари» пьесаси асосида саҳналаштирилган ўткир сиёсий мавзудаги спектак-ли ҳавола этиладилар.

А. КЕЛДИЕВА.

ЁШ АРТИСТЛАР КИНОЛЕКТОРИЙСИ

«Чарвақтидрострой» трес-тининг маданият саройида ёш артистлар кинолектори-йси ташкил этилди. Мазкур кинолекторий тингловчилари 16-, 17-, 18-ўрта мактаблар-нинг ўқувчиларидир. Улар бу ерда атейст-лекторлар-нинг суҳбатларини тинглаш, шу мавзудаги ҳўжжатли ва бадиий фильмлар томоша қилишлари мумкин.

Кинолекторийнинг бирин-чи машғулотига «Ватан» пионерлар агитбригадаси аъзолари иштирок этидилар. Улар ижросида атейстик мавзудаги спектакллardan парчалар кўрсатилди.

Г. ХУСАНОВА.

Спорт ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИНИ КЎТИБ

ЭРТАДАН кейин Калга-рида бошланган XV қиш-ки Олимпиада ўйинларини миллиолаб спорт мухлисла-ри сабрқилиб билан кўти-шмоқда. Бу ерда 57 мамлакат-дан 1939 спортчи қатнашади, уларни 400 та медал, 22 миң турки эсдалик совга-лари кутмоқда.

Калгари билан Москва вақтида 10 соат фарқ бўлиши

сабабли эрталабки мусобақа-ларни кечқурун томоша қи-ласиз. Марказий телевидение Олимпиада мусобақаларидан жами 100 соат репортаж кўрсатишни планлаштирган. Шунингдек мухлислар «Вре-мя», «Новости», «120 минут» нфрстуваларида Бутунитти-фрқ радиосининг биринчи программасида «Мажо» тўл-қиларида оператив равиш-да ангилкилардан хабардор бўлиб борадилар.

ДАСТЛАБИ ГОЛИВЛАР

БЕЛДИРСОЯ трассасида тоғ чағи спортти бўйича мамлакат чемпионатининг дастлабки голивлари маъ-лум бўлди.